

**Наманган вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
Б А Ё Н И**

Наманган шаҳри

№ 2

2016 йил 10 декабрь

Жамият томонидан муомалага чиқарилган жами акциялар сони	- 427650 дона
Жойлашган акциялар сони	- 427650 дона
Йиғилишда қатнашган акциялар сони	- 253315 дона
<i>шундан</i>	
«Ўзагрокимёхимоя» АЖ улуши	- 230879 дона
Умумий йиғилишда кворум	- 59,23 % ташкил этди

Давлат улушининг ишончли бошқарувчиси вакили «Ўзагрокимёхимоя» АЖ бошқарув раиси уринбосари Р.Очилов («Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг 23.11.2016й. №01-08/70 - сонли ишончномаси), 53,98%.

Умумий йиғилиш раиси:

Кузатов кенгаши аъзоси: Т.Каримбаев

Ишчи президиум:

Давлат улушининг ишончли бошқарувчиси вакили	Р.Очилов
«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бошқарув раиси уринбосари	Т.Каримбаев
Кузатов кенгаши аъзоси	

«Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ Бошқаруви раиси О.Т.Каюмов

Таклиф этилганлар: вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ директорлари, Вилоят усимликларни химоя қилиш Маркази рахбари уринбосарлари, акциядорлар ва уларнинг ишончли вакиллари, жамият бошқаруви аппарати ва Вилоят усимликларни химоя қилиш Маркази бўлим бошлиқлари ва бош мутахассислари, жамият туман филиаллари мудирлари, бош ҳисобчилари ва иқтисодчилари, «Наманган кимё савдо» МЧЖ бошлиқлари, бош ҳисобчилари ва бош иқтисодчилари, Кузатов кенгаши аъзолари ва ички аудиторлар.

Санок комиссияси: Н.Гойипов – комиссия раиси

Комиссия аъзолари: Э.Кучкаров
Р.Дехканов
Т.Сотволдиев
Г.Нажмиддинов

Йиғилиш котиби: А.Гаффаров

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ

- 1 Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- 2 Санок комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- 3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли қарори ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 27.10.2016 йилдаги №123-сонли буйруғи ижросини таъминлаш.
- 4 Жамиятнинг фирма номини ўзгартириш.
- 5 “Наманган агрокимёхимоя” ХАЖ, Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё»

- ҲАЖнинг ҳуқуқий вориси эканлигини тасдиқлаш.
- 6 Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
 - 7 Жамиятнинг бошқарув органлари ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомларини тасдиқлаш;
 - А) Жамият ижро этувчи органи ҳақида НИЗОМ;
 - Б) Кузатув кенгаши тўғрисидаги НИЗОМ;
 - В) Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги НИЗОМ;
 - Г) Тафтиш комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ.
 - 8 Жамиятнинг янги ташкилий структураси ва штат жадвалини тасдиқлаш.
 - 9 Жамиятнинг янги таркибдаги Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
 - 10 Жамиятнинг янги таркибдаги тафтиш комиссиясини сайлаш.
 - 11 Жамиятнинг ижроя органи раҳбари ва аъзоларини сайлаш ва улар билан тузиладиган ишга ёллаш меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
 - 12 “Наманган агрокимёҳимоя” ХАЖнинг вақтинчалик бизнес-режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишни Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев очиб, санок комиссиясининг йиғилишда иштирок этаётган акциядорларга тегишли овозлар саноғи тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттиришларини сўради.

Санок комиссияси раиси Гойипов Насрулло сўзга чиқиб Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ акциядорларининг 2016 йил 10 декабрь куни навбатдан ташқари умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш ишлари 2016 йил 10 декабрь куни соат 9.00да бошланиб 10.00да тугаганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчиларини қайд қилиш варақасига мувофиқ соат 10.00 ҳолатида акциядорларининг мазкур йиғилишида жамият Низомига асосан жами 427650 дона овозга эга эгаси ёзилган хужжатсиз оддий акциялари бўлган **1 476** нафар акциядордан 253 315 дона акцияси ёки **59,23%** овоз билан акциядорлар қатнашаётганлиги йиғилиш қатнашчиларига маълум қилди.

Янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддаси ҳамда жамият Низомига мувофиқ агар йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш тамом бўлган вақтда жамият томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами **50** фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар(уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўпланган) ҳисобланишини ҳамда бугунги йиғилишда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг **59,23** фоиз эгалари қатнашиб турганлигини инobatга олиб умумий йиғилишни “ваколатли” деб ҳисоблаш юзасидан ўз таклифини берди.

Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев йиғилишни «очик» деб эълон қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида иштирокчилар таклифини сўради. Йиғилишни «очик» деб эълон қилиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан тасдиқланди.

Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев йиғилишнинг ишчи президиумини сайлаш тўғрисида таклиф беришларини сўради.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Р.Мамадалиев йиғилишнинг ишчи президиумини сон жиҳатдан 3 кишидан иборат бўлишини таклиф этиб, Давлат улушининг ишончли бошқарувчиси вакили «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ бошқарув раисининг уринбосари Р.Очилов, Кузатув кенгаши аъзолари Т.Каримбаев ва жамият бошқарув раиси О.Каюмовларни йиғилишнинг ишчи президиумига сайлашни таклиф этди. Йиғилиш раислигига Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаевни, котиблигига А.Гаффаровни сайлашни таклиф этди.

Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев жамият кузатув кенгашининг 2016 йил 18 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2016 йил 30 ноябрга белгиланганлигини, бироқ жамият акциядорларининг 2016

йил 30 ноябрга белгиланган навбатдан ташқари умумий йиғилиши кворум бўлмаганлиги сабабли 2016 йил 10 декабрга колдирилганлигини, Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва унинг кун тартиби тўғрисидаги жамиятнинг расмий веб-сайтида чоп этилганлигини, «Биржа» газетасида эълон берилганини ва барча акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида электрон почта оркали хабардор қилинганларини айтиб йиғилишнинг кун тартибини акциядорларга ўқиб эшиттирди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаб олиш тўғрисида таклиф беришларини сўради.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди.
Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Йиғилиш кун тартиби ва регламенти бир овоздан тасдиқланди.

Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев жамият кузатув кенгашининг 2016 йил 18 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси сон жиҳатдан 5 кишидан иборат бўлиши ҳамда санок комиссияси таркибига Ғойипов Насрулло, Кучкаров Элмурод, Дехканов Рустамжон, Сотволдиев Турсунпулот ва Нажмиддинов Ғофуржонлар номзоди тавсия этилганлигини айтиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида таклиф беришларини сўради.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди.
Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидagi учинчи масала “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли қарори ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 27.10.2016 йилдаги №123-сонли буйруғи ижросини таъминлаш” юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев сўзга чиқди. Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.10.2016 йилдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва кишлоқ хужалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2640-сонли қарори матнини ўқиб эшиттирди.(қарор матни илова қилинмоқда). Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2640-сонли қарори бўйича “Агрокимёҳимоя” АЖ ташкил этилганлиги, ушбу қарорга асосан “Ўзкимёсаноат” АЖдан вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамиятлари ажралиб чиқаётганлиги ҳамда Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази тугатилиб, Республика “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ таркибига қўшилаётганлиги муносабати билан, қонунда белгиланган тартибда амалдаги меъерий ҳужжатларга қўшимча ўзгартиришлар киритилиши, мазкур қарорнинг ижросини сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш максидида, жорий йилнинг 27 октябр куни “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан 123-сонли буйруқ ишлаб чиқилганлиги ва шунга асосан вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти бошқарувининг буйруғи ҳамда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Юқоридагиларни инобатга олиб янги ташкил этилаётган “Наманган агрокимёҳимоя” ХАЖнинг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали намунавий таклифларга асосан ишлаб чиқилганлиги ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилганлигини, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланганлигини ҳам айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “ўсимликларни ҳимоя қилиш ва кишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2640-сонли қарори, “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 27.10.2016 йилдаги 123-сонли буйруғини маълумот ва ижро учун қабул қилиш таклиф этилди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди.
Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ..

Кун тартибидаги тўртинчи масала “Жамиятнинг фирма номини ўзгартириш” бўйича жамият Кузатов кенгаш аъзоси Т.Каримбаев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти фирма номи “Наманган агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятига ўзгартирилиши лозимлигини, Жамиятнинг эгаси ёзилган ҳужжатсиз номинал киймати 1507 см булган 427650 дона оддий акцияларини расмийлаштириш лозимлигини, жамият муҳри ва тамғаси ўрнатилган тартибда ўзгартирилиши, жамият “Ягона дарча” Маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтиши лозимлиги ҳақида айтиб ўтди. Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ муҳри ва тамғасини “Ягона дарча” Марказига топшириш, “Наманган агрокимёҳимоя” ХАЖнинг муҳри ва тамғасини тасдиқлашни ҳамда тайёрлатишни жамият директори зиммасига юклашни таклиф этди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала “Наманган агрокимёҳимоя” ХАЖ Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖнинг ҳуқуқий вориси эканлигини тасдиқлаш” бўйича ҳам жамият Кузатов кенгаш аъзоси А.Гаппаров сўз олиб, амалдаги қонунчиликка ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли қарорига асосан “ Наманган агрокимёҳимоя” ХАЖ Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланишини айтиб ўтди. Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ бошқарувига қисқа муддатларда жамиятнинг барча активлари ва мажбуриятларини ўрнатилган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида “Наманган агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятига топшириш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш вазифасини юклатишни таклиф этди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала “Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш” бўйича ҳам жамият Кузатов кенгаш аъзоси Т.Каримбаев сўз олиб, “Наманган агрокимёҳимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти Устави матни билан йиғилганларни таништирди. Жамият Устави амалдаги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилганлиги, жамият акциядорлари томонидан тасдиқлангандан сўнг уставни белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлиги айтиб ўтилди. Жамият акциядорларидан ушбу масала юзасидан ҳам ўз муносабатларини билдиришлари сўралди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала “Жамиятнинг бошқарув органлари ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомларини тасдиқлаш” бўйича ҳам жамият Кузатов кенгаш аъзоси Т.Каримбаев сўз олиб, “Жамият ижро этувчи органи ҳақида Низом”, “Кузатов кенгаши тўғрисидаги Низом”, “Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом” ва “Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом”лари матни билан йиғилганларни таништирди. Мазкур Низомлар амалдаги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилганлиги жамият акциядорлари томонидан тасдиқлангандан сўнг жамият ўз фаолиятини мазкур Низомлар асосида олиб бориши айтиб ўтилди. Жамият акциядорларидан ушбу масала юзасидан ҳам ўз муносабатларини билдиришлари сўралди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала “Жамиятнинг янги ташкилий структураси ва штат жадвалини тасдиқлаш” бўйича жамиятнинг молия бўйича директори Х.Исаков сўз

олиб, куйидагиларни баён қилди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли қарорига асосан “Наманган агрокимёхимоя” худудий акциядорлик жамияти ходимларининг умумий сони жами 43 кишини, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 29 кишини ташкил этади. Жамият таркибига 11 та туман филиали, «Namangan kimyo savdo» МЧЖ, «Тўрақўрғон кимё савдо» МЧЖ, «Чуст кимё савдо» МЧЖ ва «Наманган Олтингугурт» МЧЖлар киришини маълум қилди.

Жамиятнинг янги ташкилий структураси ва штатлар жадвали йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритилди. Муҳокамаларда Кузатов кенгаши аъзолари Т.Каримбаев, А.Гаппаров ва Р.Мамадалиевлар, жамият раиси О.Т.Каюмов, жамият ички аудит хизмати бошлиги Р.Жураев ва акциядорлар К.Туйчиев, С.Муродовлар сузга чиқиб, туман филиалларида юридик макоми бекор қилингани муносабати билан жамият штатлар жадвалига булим бошлиги-таъминот буйича директор уринбосари ва булим бошлиги-молия масалалари буйича директор уринбосари лавозимлари киритиш ва иш хажми купайгани муносабати билан жамиятнинг ички аудит хизмати булимига 3 та штат белгилаш, ҳамда жамият Уставига асосан жамиятда корпоратив маслахатчи лавозими жорий қилиш таклифлари киритилди. *(Ташкилий структура ва штатлар жадвали илова қилинмоқда).*

. Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидagi тўққизинчи ва ўнинчи масалалар “Жамиятнинг янги таркибдаги Кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш” ва “Жамиятнинг янги таркибдаги тафтиш комиссиясини сайлаш” масалалари бўйича ҳам жамият Кузатов кенгаши аъзоси Т.Каримбаев сўз олиб, мазкур масала бўйича жамият Кузатов кенгашининг қарорига асосан Наманган вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига Кузатов кенгаши аъзолигига сайлаш учун овоз бериш бюллетенига куйидаги номзодлар киритилганини маълум қилди ва уз овозларини бюллетень оркали куммулятив овоз бериш йули билан амалга оширишларини суради:

1.	Исматуллаев Нуриддинжон Собирович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош бухгалтери
2.	Ақромов Бахтиёр Акмалович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ хизмат бошлиги
3.	Ахунова Дилфуза Машраповна	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ хизмат бошлиги
4.	Максудов Козимжон Мухаммадхонович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ хизмат бошлиги
5.	Тураев Нурмахмат Азимович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош мутахассис
6.	Боймуротов Абдурахмат Жумаевич	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бошқарма бошлиги
7.	Сағдиев Хабибулло Хикматуллаевич	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош мутахассис
8.	Мамутов Маматрасул Аматович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош мутахассис
9.	Каримбоев Талаббой	«Наманган Агрокимё» МЧЖ раҳбари, 2413 дона акцияга эга
10.	Мамадалиев Рустамхон	Меҳнат фахрийси, 122 дона акцияга эга
11.	Гаппаров Абдамит	Меҳнат фахрийси, 308 дона акцияга эга

Кузатов кенгаши аъзоси Т.Каримбаев сўз олиб, Кузатов кенгаши қарорига асосан Наманган вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига жамият тафтиш комиссиясига сайлаш учун овоз бериш бюллетенига куйидаги номзодлар киритилганини маълум қилди ва уз овозларини бюллетен оркали билдиришларини суради:

1.	Тураев Шохрух Абдужалилович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош мутахассиси
----	-----------------------------	--------------------------------------

2.	Расулова Дилшода Юнусовна	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ етакчи мутахассиси
3.	Саидов Анварбек Алиевич	Меҳнат фахрийси

Жамият акциядорларидан ушбу масала юзасидан ҳам ўз муносабатларини бюллетень оркали билдиришлари сўралди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала “Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини сайлаш ва улар билан тузиладиган ишга ёллаш меҳнат шартномасини тасдиқлаш” бўйича Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев сўзга чиқиб йиғилиш иштирокчиларига “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раисининг 2016 йил 2 ноябрдаги 6-К-сонли буйруғига асосан О.Т.Каюмов “Наманган агрокимёхимоя” худудий акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчи лавозимига, А.Т.Жураев “Наманган агрокимёхимоя” худудий акциядорлик жамияти директори ўринбосари лавозимига тайинланганлигини айтиб, Сўзга чиқувчиларни таклифлари асосида жамиятнинг ижроия органи директори О.Т.Каюмов билан бир йилга тузилган меҳнат шартномаси тасдиқлашни ва жамият бошқарув органи аъзолари сон жихатдан беш кишидан иборат булиб, улар жамият директори О.Каюмов директор уринбосари А.Жураев, бош хисобчи З.Позилов, директор уринбосари Х.Исаков ва булим бошлиги К.Окиловлар билан тузиладиган ишга ёллаш меҳнат шартномасини тасдиқлансин деб таклиф қилинган. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иштирокчиларидан мазкур масала юзасидан ҳам ўз муносабатларини билдиришлари сўралди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала “Наманган агрокимёхимоя” АЖнинг вақтинчалик бизнес-режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш бўйича жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев сўз олиб, янги тахрирдаги 06.05.2014 йилда қабул қилинган 370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 75-моддасида кўрсатилган ваколатлардан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475–сонли Қарорининг 3 банди талаби бўйича жамиятнинг келгуси йил учун белгиланган бизнес-режасини кузатув кенгаши 1-декабргача бўлган муддатда маъқуллаши зарурлигини тушунтириб ўтди. Жамият бошқарувидан корхонанинг 2017 йилга белгиланган бизнес режа лойиҳаси бўйича тушунтириш бериш сўралди.

“Наманган агрокимёхимоя” ХАЖнинг вақтинчалик бизнес-режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш бўйича жамиятнинг молия бўйича директори Х.Исаков сўз олиб, куйидагиларни баён қилди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкани зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларига мувофиқ, келгуси йилнинг бизнес-режаси лойиҳасини молия йилининг 1 декабр кунига қадар жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан маъқулланиши ва тасдиқлаш учун акциядорлар умумий йиғилишига киритилиши лозим. Шунга кўра жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган бизнес-режаси лойиҳасининг молиявий параметрлари ва бошқа муҳим қисмлари таҳлил қилиниб Кузатув кенгаши аъзоларига ҳавола этилди. Жумладан 2016 йилда 140 273 336 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниши ва 569 867 минг сўм соф фойда олиниши режалаштирилганлиги билан

бир қаторда, жамиятда ишловчи ходимлар сони ва рентабеллик даражасининг оширилиши ҳам кўзда тутилаётганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси Т.Каримбаев сўзга чиқиб жамиятнинг 2017 йилга мўлжалланган вақтинчалик бизнес-режаси ва харажатлар сметасини акциядорлардан тасдиқлаб беришларини сўради.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 253315 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг бюллетен орқали билдирган фикрларига асосланиб йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.
2. Саноқ комиссияси Ғойипов Насрулло, Кучкаров Элмурод, Дехканов Рустамжон, Сотволдиев Турсунпулот ва Нажмиддинов Ғофуржонлардан иборат таркибда тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимёвий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ти ПҚ-2640-сонли қарори, “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2016 йил 27 октябрдаги 123-сонли буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
4. Жамиятнинг Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти фирма номи “Наманган агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятига ўзгартирилсин. Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ муҳри ва тамғасини “Ягона дарча Маркази”га топшириш, “Наманган агрокимёхимоя” ХАЖнинг муҳри ва тамғасини тасдиқлаш ҳамда тайёрлатиш жамият директори зиммасига юклатилсин.
5. Жамиятнинг эгаси ёзилган ҳужжатсиз номинал киймати 1507 сум булган 427650 дона оддий акцияларини “Наманган агрокимёхимоя” ХАЖга расмийлаштириш учун Кимматли коғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Наманган вилоят бошқармасига мурожаат қилинсин.
6. “Наманган агрокимёхимоя” акциядорлик жамияти Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий вориси эканлиги тасдиқлансин. Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ активлари ва мажбуриятлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида “Наманган агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятига топширилсин.
7. “Наманган агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамиятининг Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда “Ягона дарча Маркази”дан давлат рўйхатидан ўтказилсин.
8. Жамиятнинг бошқарув органлари ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги қуйидаги Низомлари тасдиқлансин:
 - А) Жамият ижро этувчи органи ҳақида НИЗОМ;
 - Б) Кузатув кенгаши тўғрисидаги НИЗОМ;
 - В) Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги НИЗОМ;
 - Г) Тафтиш комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ.
9. Жамиятнинг янги ташкилий структураси ва штатлар жадвали тасдиқлансин. Туман филиалларида юридик мақоми бекор қилингани муносабати билан жамият штатлар жадвалига булим бошлиги-таъминот буйича директор уринбосари ва булим бошлиги-молия масалалари буйича директор уринбосари лавозимлари киритилсин. Жамиятнинг ички аудит хизмати булимига 3 та штат белгилансин ва жамият Уставига асосан жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий қилинсин.

10. “Наманган агрокимёхимоя” ҲАЖ Кузатув кенгаши аъзолари этиб куйидагилар сайлансин:

1.	Исматуллаев Нуриддинжон Собирович	«Ўзагрокимёхимоя» АЖ бош бухгалтери
2.	Максудов Козимжон Мухаммадхонович	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ хизмат бошлиги
3.	Тураев Нурмахмат Азимович	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ бош мутахассис
4.	Боймуротов Абдурахмат Жумаевич	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ бошкарма бошлиги
5.	Сагдиев Хабибулло Хикматуллаевич	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ бош мутахассис
6.	Мамутов Маматрасул Ааматович	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ бош мутахассис
7.	Каримбоев Талаббой	«Наманган Агрокимё» МЧЖ раҳбари, 2413 дона акцияга эга
8.	Мамадалиев Рустамхон	Меҳнат фахрийси, 122 дона акцияга эга
9.	Гаппаров Абдамит	Меҳнат фахрийси, 308 дона акцияга эга

11. Жамиятнинг янги таркибдаги тафтиш комиссиясига куйидаги номзодлар сайлансин:

1.	Тураев Шохрух Абдужалилович	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ бош мутахассиси
2.	Расулова Дилшода Юнусовна	« Ўзагрокимёхимоя » АЖ етакчи мутахассиси
3.	Саидов Анварбек Алиевич	Меҳнат фахрийси

12. Жамият директори давозимига О.Т.Қаюмов тасдиқлансин. О.Т.Қаюмов билан 1 (бир) йил муддатга тузилган ишга ёллаш меҳнат шартномасини тасдиқлансин. Жамият бошқарув аъзолари беш кишидан иборат булиб, улар жамият директори О.Қаюмов директор уринбосари А.Жураев, бош ҳисобчи З.Позиллов, директор уринбосари Х.Исаков ва булим бошлиги К.Окиловлар билан тузиладиган ишга ёллаш меҳнат шартномасини тасдиқлансин.
13. “Наманган агрокимёхимоя” ҲАЖнинг вақтинчалик бизнес-режаси ва харажатлар сметаси иловага мувофиқ тасдиқлансин. “Ўзагрокимёхимоя” АЖ билан сақлаш харажатлари учун шартнома тузилсин ва устама нархларни декларациядан ўтказишда ушбу харажатлар инобатга олинсин.
14. Йиғилиш қарорларининг бажарилиши ижросини таъминлаш жамият директори О.Т.Қаюмов ва ижросини назорати Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.